

Мундарижа

Рақамли иқтисодиёт

Ойбек МАМАНАЗАРОВ, Дурдана ИНОЯТОВА, Алишер СУАТОНОВ.	3
Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари	
Саноат	
Мадина АБДУЛЛАЕВА, Бекзод МАМАРАХИМОВ.	
Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлаб чиқариш	
харажатларини пасайтиришининг асосий жиҳатлари	6
Инвестицион фоалият	
Наргиза БАБАЕВА. Миллый сугурга компанияларининг инвестицион	
фаолиятини ривожлантириш – Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишини	
таъминлаш омили	10
Кичик бизнес	
Қуатбай ИСМАЙЛОВ, Сарсенгалий ВАЙЖАНОВ. Иқтисодиёт	
ривожланишида кичик бизнеснинг ўрни	13
Кластер	
Немат ХОЛМАТОВ. Иқтисодиётни кластерлаш — саноатлашувни	
жадаллаштириш йўналишларидан бири сифатида (Хитой модели)	16
Монополия	
Акмал ВАЛИЖНОНОВ. Хўжалик юритувчи субъектларда	
монополияга қарши тартиға солишни такомиллаштириш	22
Корпоратив бошқарув	
Зуфар АШУРОВ. Самарали корпоратив бошқарувни ташкил этиш:	
моделлар ёндашув	26
Хусусийлаштириш	
Соҳибжон ТОПИЛДИЕВ. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни	
хусусийлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари	30
Ойли таълим	
Гулнора ДАВЛЯТОВА. Ўзбекистон ойли таълим тизимида	
“Университет 3.0” моделини кўллаш истиқболлари	35
Аудит	
Низомжон ХАЖИМУРАТОВ. Хўжалик юритувчи субъектлар фоалиятини	
узлуклизигини баҳолашга доир концептуал ёндашувлар	38
Туризм	
Умиджон МАТИЯУБОВ. Оролоғи мингтакасида туризм соҳасини стратегик	
ривожлантиришининг концептуал йўналишлари	42
Таҳдид	
Баходир ОМОНОВ, Эргаш ШОМИРЗАЕВ, Ислома МУСУРМОНОВ.	
Сурхондарё – Ўзбекистонининг “жанубий дарвозаси”: имконият	
ва истиқболлари	47
Хизмат кўрсатиш	
Ўткир РАЖАБОВ, Ниуфар НУРИДДИНОВА. Юртимизда	
ижтимоий-маданий хизматлар юзага келиши ва ривожланиш эволюцияси	50
Ислоҳот	
Гулмира ТАРАХТИЕВА, Зарнигор БОБОЖОНОВА.	
Нефть ва газ саноати хомаше базасидан фойдаланишида	
инновацион кластерларнинг синергетик таҳдиди	54
Хорижий тажриба	
Одинахон ТЎЙЧИЕВА. Инновацион сиёсатда	
хорижий тажрибасидан фойдаланиш масалалари	57
Рақамли технология	
Ориф ПАРДАЕВ. Халқ таълими фаолияти маълумотлар базаси	
хавфлизигини таъминлаш усуллари ва механизmlарни рақамлаштириш	60
Бошқарув	
Абдумалик КАДИРОВ. Саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини	
таъминлашда хорижий давлатлар тажрибаси	62
Хорижий инвестиция	
Шохия ТЎЛАГАНОВА. Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан	
фойдаланиш ва бошқарини кучайтириш зарурити	66

Рақамли технология

Зиёвуддинхон БАКАЕВ. Туризм соҳасининг геоахборот тизимини	
ривожлантириша рақамлаштириш технологиясини кўллаш хусусиятлари	68

Эмпирик тадқиқот

Анвар ҚОБИЛОВ. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	
бўйича эмпирик тадқиқотлар таҳдиди	71

Солик

Диёр ИСМАИЛОВ. Кўчмас мулк обьектлари билан баглиқ	
муаммоларни бартараф этиш ва жисмоний шахсларнинг	
мол-мукъсар солигини ҳисоблаш масалалари	78

Маркетинг

Бекзод ДЖУРАЕВ. Қишлоқ хўжалиги маркетинг тизимини бошқариш	
ва разбаглантириш механизмларини такомиллаштириш йўллари	81

Логистика

Илёсхон АЮБОВ. Туризм хизматлар бозорида инвестицион	
лойиҳаларни жалб қилишда “Туристик ахборот логистик маркази”	
инновацион модельнинг афзаллик жиҳатлари	84

Менежмент

Дилмурад ОРИПОВ. Чарм-пойабзал корхоналарида маҳсулот	
сифатига таъсир этувчи омиллар	87

Инфраструктура

Бобур СОБИРОВ. Эркин иқтисодий зоналар тушунчалиси, турлари	
ва уларни шаклантиришининг ўзига хос хусусиятлари	90

Статистика

Бекзот ЖАНЗАКОВ. Туризм даромадига таъсир этувчи	
омиллар таҳдиди	93

Модернизация

Азamat МАТЧАНОВ. Саноат корхоналарида ахборот-коммуникация	
технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги	96

Транспорт тизими

Шерзод ЭРГАШЕВ. Автомобиль транспорти корхоналарида	
асосий воситалар таҳдиди	100

Диверсификация

Қаҳромон САРИЕВ. Миллый иқтисодиётда саноат тармоғи	
ривожланишининг иқтисодий-статистик таҳдиди	104

Стратегия

Феруза МАТЧАНОВА. Самарали стратегия асосида саноат	
корхоналарида рақобат устуналарини шаклантириш йўллари	109

Содержание

Экономика и экология

Шохиста МУРАТОВА. Обеспечение эколого-экономической	
безопасности и анализ её содержания	113

Управление персоналом

Тоҳир ЭРМАТОВ. Оценка рисков в управлении персоналом	118
--	-----

История и экономика

Бахтияр АЛИМДЖАНОВ, Шоҳруҳ ЧОРИЕВ.	
История деятельности Керкинского отделения Русско-Азиатского	
комерческого банка (1910-1917 гг.).(1910-1917 гг.)	121

Демография

Нодирбек ТУЛА. Совершенствование	
переписи населения на основе мирового опыта	126

Развитие малого бизнеса

Роза КАРАЖАНОВА. Роль инвестиций в развитии малого	
бизнеса в Республике Узбекистан	129

Инновационная экономика

Гулнора КАРАБАЕВА. Развитие инновационных процессов	
в промышленности Узбекистана	133

ТАХРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАХРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАХРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMEYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

Адҳам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПҮЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни
ривожлантириш йўналишлари
Направления развития цифровой экономики
в Узбекистане
Directions of digital economy development in Uzbekistan

Ойбек МАМАНАЗАРОВ,

профессор

Дурдана ИНОЯТОВА,

доцент

Алишер СУЛТОНОВ,

докторант

ТАҚИ Курилишида менежмент кафедраси

Аннотация

Мақолада Рақамли иқтисодиёт түгрисида тушунча, уни Ўзбекистонда ривожлантириши бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда муҳим чоралар, ундаги мавжуд муаммолар ва унинг афзалликлари ёритилган.

В статье рассматриваются концепции цифровой экономики, реформы и важные меры, проводимые для ее развития в Узбекистане, а также существующие в ней проблемы и ее преимущества.

This given article is devoted to the concept of the digital economy, the reforms and important measures taken for its development in Uzbekistan, and also the existing problems and its advantages.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди ҳамда 2 март куни 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид ПФ-5953-фармони билан давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурламал ҳужжат 284 та банддан иборат бўлиб, уни амалга ошириш учун 18 171,4 млрд. сўм ва 10 301,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Дастурда 5 йўналиш бўйича кўплаб муҳим чоралар белгилаб берилган. Жумладан:

– қонунчилик палатаси ҳамда Сенат фаолиятида

фуқароларнинг Интернет тармогидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиљ иловадан фойдаланиш имконини берувчи “Электрон парламент” тизими жорий этилади;

– “Mening fikrim” веб-порталининг мобиљ иловаси ишга туширилади, унга келиб тушаётган мурожаатлар депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик иштироқида ОАВлар орқали муҳокама қилиб борилади;

– “Э-омбор” товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади;

– камида 800 мингта кенг полосали Интернет портлари яратилиб, 12 минг км. оптик толали алоқа линиялари ётқизилади;

– давлат хизматларини рақамли шаклга транс-

Калит сўзлар: иссиқлик энергияси, локал ва индивидуал иссиқлик таъминоти тизимлари, марказлашган иссиқлик таъминоти, энергия тежовчи замонавий технологиялар.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

формация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантирилади;

– Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик ва педагогика университетларида тажриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этилади;

– “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳдилӣ тизими” аппарат-дастурӣ комплекси жорий этилади;

– 2020-2023 йилларга мӯлжалланган Киберхавфсизликка доир миллӣ стратегия ҳамда “Киберхавфсизлик тӯғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиласди;

– Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот сиёсати концепцияси ишлаб чиқиласди ва тасдиқланиди.

Бундан ташқари “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастури лойиҳаси ишлаб чиқиласди. Мазкур лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва соҳага илгор ақлли технологияларни жорий этиши имкониятлари тадқиқ этилади. Шунингдек, “Ақлли” қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳалқаро илмий ишланмалар ва янгиликлар, уларни Ўзбекистонда жорий этиши имкониятлари, “Ақлли” қишлоқ хўжалиги соҳасидаги жаҳон ишлаб чиқарувчиларининг (Google, Microsoft, IBM, SAP ва бошқалар) ноёб технологик ечимлари, “Ақлли” қишлоқ хўжалигини ва қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни жорий этиши дастурларини амалга ошириш бўйича жаҳоннинг илгор тажрибаси атрофлича ўрганилади.

Баъзилар рақамли иқтисодиёт нега керак ва нима беради, деб ўйлаши мумкин. Рақамли иқтисодиёт деганда, фақаттина Блокчейн (Blockchain) технологиясини ва улардан ҳалқаро молия бозорларида фойдаланиш масалаларини ёки криптовалюталарни тушуниш керак эмас. Албатта, Блокчейн технологияси, криптовалюталар ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги. Лекин рақамли иқтисодиёт (Digital Economy) деганда, рақамли коммуникациялар, ИТ ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. Бунда, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки, биринчидан, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан шаффоғ бўлишига эришилади. Қолаверса, ишлаб чиқаришда янги ИТ технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг таннархи ҳам пасаяди.

Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги

маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлилиги фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ҳамда миллӣ мустақилликни таъминлаиди.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ўз навбатида, бир қатор потенциал афзалликларга эга бўлиш имконини тақдим этади:

– давлат секторида ҳам, бизнесда ҳам рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятига;

– интернет хизматларини ўз ичига олган мобиъалоқанинг кириб келиш жараёнининг юқори кўрсаткичига эришишга;

– рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини яратиш ҳамда ривожлантириш, шу жумладан, тармоқлар, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, техник ва дастурий таъминотнинг замон талабларига мос равища ривожланишига.

– саноатда рақамли технологиялардан фойдаланиш тажрибасига;

– таълим тизимининг ҳар томонлама ривожланишини ва янгиланиши таъминланишига;

– мамлакатдаги турли-туман компанияларнинг, фирмаларнинг, давлат корхоналарининг ҳамда бизнеснинг ривожланишига пухта асос яратилишига.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистон учун ҳам унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган стратегик аҳамиятга молик масалалардан биридир. Рақамли иқтисодиёт платформалари тузишда асосий эътиборни қуидаги йўналишларга қаратиш зарур: телекоммуникациялар, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, солик ва солиқча тортиш, дори-дармонлар логистикаси, маълумотларни қайта ишлаш, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк савдоси ҳамда ишлаб чиқариш. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши инфратузилма ва технологик базис яратишга имкон беради. Сўнгра уларни бошқа соҳаларга кўчирган ҳолда Ўзбекистон етук рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез ривожлантириши мумкин бўлади.

Шуни ҳам тан олиш керак-ки, Ўзбекистонга бугунги кунда мақбул келадиган тадбир қисқа даврда – биринчи навбатда технологик ортда қолишдан қутулишидир. Айни дамда эса мамлакатимизда зарур

миқдордаги тұлақонли иқтисодиёт субъектлари йүқлиги туфайлы етук ва тұлақонли рақамли иқтисодиётни үз-үзидан шакллантириш учун шарт-шароитлар йўқ. Бу эса давлатимизга рақамли иқтисодиёт ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уни әнг керакли соҳаларга йўналтириш ва бу жараённи имконият даражасида рағбатлантириш керак-

лигини билдиради.

Холоса ўрнида шуни айтиш мүмкінки, мавжуд муаммоларга қарамасдан, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини изчил амалга ошириш Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётидаги стратегик мавқенини мустаҳкамлашнинг ягона йўли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга ошириш”га оид ПФ-5953-фармони.
2. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури. “Тараққиёт стратегияси” маркази Ахборот хизмати <https://strategy.uz/index.php?news=850>.
3. Туяков Э. “Ахборотлашган жамият” мұхитини яратиш нима беради? <https://strategy.uz/index.php?news=787>.
4. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х. Рақамли иқтисодиёт ва унинг асосий ривожланиш йўналишлари. Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2019 йил, 2-сон.
5. Сударушкина И.В., Стефанова Н.А. Цифровая экономика. АНИ: экономика и управление. 2017 г. Т. 6. № 1(18).